

## Исломда насл-насаб масаласи



10:40 / 02.09.2019 5045

Бола туғилиши билан унинг ҳақлари ҳам бирга туғилади. Ўша ҳақларнинг энг аввалгиларидан бири насаби пок бўлиши ҳаққидир.

Никоҳнинг ва оила қуриб яшашнинг асл мақсадларидан бири ҳам насл-насабни сақлашдир. Бусиз оила ҳам, ота-оналик ҳам, болалик ҳам, қариндош-уруғлик ҳам, жамият ҳам бўлмайди. Фарзанднинг ота-онаси никоҳдан ўтиб, ҳалол-пок яшагандагина насаби аниқ ва пок бўлади.

«Насаб» сўзи луғатда *яқинлик, нисбат бериш* деган маъноларни англатади. Шаръий истилоҳда эса ота-онанинг яқинлигини ва бир шахсни ўзига қўшишни билдиради.

Насаб энг муҳим ва ўта нозик ижтимоий ҳукмлардан биридир. Зотан, инсон айнан насаб орқали ота-онасини, бобо-момосини, амаки-тоғасини, амма-



ҳожатмандларига ёрдам қилсалар, ҳол-аҳволларидан хабар олсалар, касал бўлганда бориб кўрсалар, оғирини енгил қилсалар, мушкулларини осон қилсалар, ўз-ўзидан орада меҳр-муҳаббат пайдо бўлади. Шунинг учун шариатда силаи раҳмга, қариндошлик алоқаларини маҳкам боғлашга ва уларни ҳеч қачон узмай юришга қаттиқ тарғиб қилинган.

4. Насабга аҳамият бериш фарзандларнинг ҳаққини ҳимоя қилиш деганидир. Албатта, болаларнинг нафақаси, мерос олиши, уларга ҳомий бўлиш каби ҳақларининг барчаси насабга боғлиқдир.

**«Соғлом бола» китобидан**